

The Light of Islam

Volume 2019
Issue 4 *Journal's fourth issue*

Article 42

2019

ACTUAL DEVELOPMENT TRENDS OF RELIGIOUS STUDIES IN UZBEKISTAN

Makhfuza Alimova

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, mahfuza1975@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau>

 Part of the [Islamic Studies Commons](#), [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#), and the [Terrorism Studies Commons](#)

Recommended Citation

Alimova, Makhfuza (2019) "ACTUAL DEVELOPMENT TRENDS OF RELIGIOUS STUDIES IN UZBEKISTAN," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 42.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/42>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Mahfuza ALIMOVA*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, doctor of philosophy PhD, docent of the department religious study and UNESCO in the comparative study of world religions.**mahfuzaalimova@iiau.uz**11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.***ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНШУНОСЛИК
СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
ДОЛЗАРЪ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ****АКТУАЛЬНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ
РЕЛИГИОВЕДЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ****ACTUAL DEVELOPMENT TRENDS OF
RELIGIOUS STUDIES IN UZBEKISTAN**

Калит сўзлар: *диншунослик, диний дунёқараиш, Ўзбекистон, ислом, христианлик, давлат ва дин, жаҳон динлари, диний бағрикенглик, конфессиялар, янги диний ҳаракатлар, жамият ва дин, диний жамоа, оммавий маданият, глобаллашув жараёни, кибермаконда дин.*

Ключевые слова: *религиоведение, религиозные воззрения, Узбекистан, ислам, государство и религия, мировые религии, религиозная толерантность, конфессии, новые религиозные движения, общество и религия, “массовая культура”, процесс глобализации, религия в киберпространстве*

Key words: *Religious Studies, religious, Uzbekistan, Islam, Christianity, state and religion, world religions, religious tolerance, confessions, new religious movements, society and religion, religious community, popular culture, process of globalization, religion in the cyberspace.*

Сўнгги уч йил мамлакатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар ва юксалишларга бой бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавлат Мирзиёев ташаббуслари билан диний кадриятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бошқа соҳалар билан бирга, илмий-ижодий, диний таълим соҳаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, 2018 йил 16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий Фармони жуда кўп имкониятлар эшигини очиб берди. Тараққиётимизнинг янги даврида диний ва миллий кадриятлар янада ривож топиб, аждодларимизнинг диний-маърифий меросини теран ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларнинг илмий анъаналарини муносиб давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур мақолада Ўзбекистонда диншунослик соҳасининг ривожланиш тенденциялари, долзарб муаммолари ва асосий йўналишлари ёритилган. Унда глобаллашув шароитида ёшлар турли бузғунчи ғояларнинг асосий мўлжали бўлиб қолаётгани, бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, уларга қарши маънавий иммунитет ҳосил қилиш, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда миллий ва диний қадриятлар янада ривож топиб, аждодларнинг диний-маърифий меросини теран ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларнинг илмий аъналарини муносиб давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Динга бўлган қизиқишнинг кучайиши бугунги кунда кишилик жамияти олдида турган муаммолар, инсоннинг уларни ҳал қилиш йўллари ҳақидаги ўй-изланишлари, дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлигини таъминлаган ҳолда бугунги кундаги мураккаб масалаларга тўлақонли жавоб топишга имкон бериши ёритилган. XX асрнинг иккинчи ярмида христианлик, буддавийлик, ислом ва бошқа динлар доирасида юзлаб секталар пайдо бўлган. Бу каби жараёнлар келажакда ҳам давом этишини тахмин қилиш мумкинлиги мақолада ўз аксини топган. Ёшларнинг кибермақонда объектив йўл танлай олишлари ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тизимидан фойдаланишда уларда диний мазмундаги хабарларга танқидий ва онгли ёндашувни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

В статье рассматриваются актуальные вопросы религиоведения, а также проблемы и основные направления развития этой сферы в Узбекистане. В ней пропагандируется здоровый образ жизни, чувство уважения к национальным ценностям. Поскольку в условиях глобализации молодежь является главной целью различных деструктивных идей. Чтобы предотвратить таких отрицательных явлений, необходимо создать против них духовный иммунитет и развивать способность сопротивляться негативным влияниям.

В последние годы в Узбекистане уделяется особое внимание на воспитание молодежи людьми, имеющими собственное независимое мнение, прошедшие испытание временем, с трезвым мировоззрением, обладающими независимой волей, духовно богатыми, готовыми дать отпор любым идейным притеснениям и духовным угрозам. Чтобы не допустить возникновения в духовном мире молодого поколения вакуума, необходимо формировать в их душах и сознании здоровый образ жизни, чувство уважения к национальным и общечеловеческим ценностям. Сообщалось, что растущий интерес к религии позволяет нам найти полный ответ на сложные проблемы сегодняшнего дня, обеспечивая гармоничное сочетание светских и религиозных ценностей и путей их решения. Во второй половине 20-го века появились сотни сект в христианстве, буддизме, исламе и других религиях. То, что такие процессы могут продолжаться в будущем, отражено в статье. А также особое внимание уделяется способности молодежи проложить объективный путь в киберпространстве и использовать современные информационные и коммуникационные технологии для выработки критического и осознанного подхода к информации религиозного характера. Так как в киберпространстве существует множество антисоциальных элементов, которые оказывают деструктивное влияние на процесс формирования социального здоровья молодежи.

The paper highlights actual problems, major directions and development trends of the field of Religious Studies in Uzbekistan. It is clear that the youths have become the main target of different destructive ideas in the period of globalization. The paper focuses on the prevention of these threats and formation of a spiritual immunity against them as well as on the improvement of healthy lifestyle and respect towards national and universal values in souls and minds of the youths in order to prevent a gap to be appeared in their spiritual world.

National and religious values have developed for better in Uzbekistan recent years. A special attention has been paid on the deep study and analysis of the religious-educational heritage of ancestors and continuation of their scientific traditions worthily. It was explained that the fact that increase of an interest towards a religion gives a chance to solve the modern complicated issues providing a harmonization of problems in society, thoughts about the solution of them, secular and religious values. Thousands of sects such as Christianity, Buddhism, Islam and other religions were emerged in the second half of the 20th century. The paper emphasizes a possibility to suppose that such kind of processes may be continued in the future. A special attention was paid on the formation of a critical and conscious approach in the youths towards religious news for choosing an objective way in the cyberspace and using the system of the modern information and communication technologies.

Диншунослик фани талабаларга ҳозирги даврдаги динларнинг маълум халқ ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий назарий тушунчалар бериш, уларнинг давлат ва дин муносабатлари, динлараро бағрикенглик ғояси ва маданияти тўғрисидаги тасаввурларини бойитишга қаратилган. Шу билан бирга ушбу соҳа диннинг жамиятга ижтимоий, маънавий, руҳий таъсири, ибтидоий диний тасаввурлар, миллий ва жаҳон динлари таълимотлари, диннинг моҳияти ва унинг кишилик жамияти

таракқиётидаги турли тарихий босқичларда тутган мавқеи, жамиятни маънавий жиҳатдан камол топтиришда диний қадриятларнинг аҳамияти, дунёвий давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари, дин никоҳидаги экстремизм ва фанатизм каби салбий иллатлар моҳиятини ёритиш ва уларга қарши ғоявий иммунитетни шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Республика олий таълим тизимидаги “Диншунослик” фани доирасида ўзаро узвий боғлиқ бир

қатор масалаларни тизимли ёритилади. Хусусан, “Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати”, “Марказий Осиё динлари”, “Исломи дини ва унинг асослари”, “Исломдаги мазҳаблар ва йўналишлар”, “Миссионерлик ва прозелитизм: тарих ва бугун, тарғибот усуллари”, “Диний экстремизм ва терроризм: мафкура ва амалиёт, қарши кураш стратегияси”, “Янги диний ҳаракатлар ва секталар”, “Кибермақонда дин омили” каби мавзулар ўрин олган [Диншунослик, 2019:286].

Маълумки, глобаллашув шароитида ёшлар турли бузғунчи ғояларнинг асосий мўлжали бўлиб қолмоқда. Натижада юрт келажаги – ёшлар ҳозирданок муайян гуруҳлар ва давлатлар, сиёсий кучлар манфаатларига хизмат қиладиган манқуртларга айланмоқда. Бу каби салбий ҳолатларни баъзи араб мамлакатларида кечган жараёнлардан кузатиш мумкин. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш, уларга қарши маънавий иммунитет ҳосил қилиш, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур [Nizametdinov N, 2019: 45].

Зеро, дин инсоният тарихида, биринчидан, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига синдириб олиб, уларни ҳамма учун мажбурий ҳуқ-атвор қоидаларига айлантирган; иккинчидан, одамларнинг баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган; учинчидан, одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган ҳамда ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган; тўртинчидан, умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам берган ва шу йўл билан маданият ривожига катта таъсир кўрсатган [Muhamedov, N., 2016:120].

Мамлакатимиздаги кўпконфессиялилиқ шароитида турли миллат, элат ва дин вакиллари орасидаги тотувликни таъминлаш, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг, айниқса, олий маълумотли зиёлининг муқаддас бурчидир. Республикаимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан таъкидланганидек, «Жамиятимизда диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатлик ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашни биз бундан буён ҳам энг долзарб ва эзгу вазифамиз деб биламиз» [Мирзиёев Ш., 2017:2].

Дунё миқёсида миллатлараро ва конфессиялараро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан жамият ҳаётига бағрикенглик тамойилларининг самарали жорий этилишига боғлиқ. Жаҳондаги мураккаб ва зиддиятли кечаётган жара-

ёнлар турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳидаги алоқаларни мустаҳкамлаш тарихий зарурият эканини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг бешинчи бандида «хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат» асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Республикаимиз Президенти томонидан 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи илгари сурилиши [Мирзиёев Ш., 2017:1] ҳам турли конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатликка давлатимизда халқаро аҳамиятга эга масала сифатида қаралётганининг ёрқин ифодасидир.

Дин ва давлат муносабатлари ҳамма вақт долзарб бўлиб келган. Турли даврларда хилма-хил мазмун ва шакл касб этган бундай муносабатлар мустақил Ўзбекистон шароитида виждон эркинлиги конституциявий асосда тўла-тўқис таъминлангани, диний ташкилотлар фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар яратилганида намоён бўлмоқда. Мазкур соҳага оид қонунларни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик белгилангани ҳам бу муносабатларнинг асл моҳиятини кўрсатади. “Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати” мавзуси бу каби масалаларни тўғри англашда ёрдам беради. Ўзбекистонда таркиб топган давлат ва дин ўртасидаги муносабат ўз моҳияти, мазмуни ва ҳуқуқий асосларига кўра сепарацион моделга, яъни давлатдан дин, умумтаълим мактабларидан диний таълимнинг ажратилганлиги ва виждон эркинлиги, конфессионал бағрикенглик таъминланганлигига асосланади. Бугунги маънавий уйғонишимизнинг манбаи бўлиб хизмат қилаётган ўзбекона бағрикенглик, халқимизга хос этник, маданий ва диний сабр-бардошлиликнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. Кўп миллатлар қаторида яҳудийлар ҳам узоқ йиллардан бери Ўрта Осиё ҳудудида яшаб келганлар. Абу Райҳон Беруний, Абу Исҳоқ Истаҳрий, Абу Саид Гардизий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий, Ибн Хордодбех каби ўрта аср алломаларининг

Жаҳон иқтисодийети ва зиёрат туризми

асарларида, шунингдек, Бениамин Тудельский, Ибн Батута, Сеймур Мэндвилл, Мамон Мағриби ва Ланделл каби машҳур сайёҳларнинг кундаликлари орқали минтақада яшаган яҳудийлар ҳақида тарихий маълумотларни олиш имкони мавжуд [Alimova M., Nigmatullayev I., 2019: 32].

Ҳозирги даврда жаҳонда кечаётган умумий тенденциялардан бири таълим соҳасининг дунёвийлашиб бораётгани билан боғлиқ. Бироқ, бу жараёни диннинг таълим соҳасидан сиқиб чиқарилиши эмас, балки ҳар бири алоҳида хусусиятларга эга бўлган таълим жараёнларига доир масъулиятнинг тақсимланиши тарзида тушуниш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистондаги диний таълим – диний билим, кадрият, ҳаёт ва дунёни тушуниш тарзини махсус профессионал тайёргарликка эга шахслар томонидан ўқувчиларга тизимли равишда етказишга қаратилган фаолиятни ифода этади. Мамлакатимизда диний таълим тизимини замон талаблари даражасида ривожлантириш халқимизнинг диний онги ва маданиятини тўғри шакллантириш, ёш авлодни дин ниқоби остидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишдек эзгу мақсадларимиз йўлидаги стратегик вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда диний вазият барқарорлигини мустаҳкамлаб бориш жараёни ҳам мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитларда кечмоқда. Бу йўлда давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган сиёсий-ҳуқуқий шарт-шароитлар ҳамда халқимизга хос бағрикенглик маданияти, бир томондан, конфессиялараро соғлом мулоқотни ривожлантиришга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётган бўлса, иккинчидан, диний эътиқод умумийлиги асосида турли давлатлар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш, интеграцияни чуқурлаштиришнинг омили бўлиб хизмат қилмоқда. Диний ҳаётни тартибга солишга қаратилган оқилona давлат сиёсати туфайли дин, жамият ва давлат муносабатлари тизимида манфаатлар уйғунлиги таъминланмоқда.

Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, мамлакатимизда дин давлатдан алоҳида бўлиб, бу ҳақда мамлакатимиз Конституциясининг 61-моддасида шундай дейилади: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди» [Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси., 2018:21].

Бу ғоя «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида ҳам мустаҳкамланган бўлиб, унда ҳам диннинг давлатдан ажратилганлиги, ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Бу эса мамлакатимизда давлатнинг диний ишларга, диннинг эса давлат ишларига

(қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно, албатта) аралашмаслигини англатади.

Бунинг замирида давлат томонидан турли динларга эътиқод қилувчи ва динга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, шу каби ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига қўмаклашиши, улар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган қарама-қаршилик ва кескинликларнинг олдини олиши, диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлаши, диний ташкилотлар зиммасига давлат ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юклармаслиги, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмаслиги кабилар ётади [Ҳасанбоев Ў., 2014: 446].

Дин инсониятнинг руҳий дунёси билан чамбарчас боғлиқ, ижтимоий ҳаётда доимо у билан бирга бўлиб келган. Марказий Осиё халқлари эътиқод қилиб келган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. Ислом дини доирасида юзага келган турли мазҳаб ва йўналишларнинг асл моҳияти ҳақида етарли даражада билим ва қўникмаларга эга бўлиш ушбу диндаги ҳар хиллик ва ихтилофлар орасидаги фарқларни тўғри ажрата билишга ёрдам беради.

Эътиқоди заиф кишилар кўпинча бошқаларга эргашиб ёки тақлид қилиб яшайдилар. Шароитга қараб гоҳ у, гоҳ бу томонга оғадилар. Бундай эътиқодий заифлик, бўшлиқ шахс камолотига салбий таъсир кўрсатади. Агар эътиқод мутаассиб, ирқий, миллатчилик, тор сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан чекланган бўлса, бундай ҳолда у бузғунчилик, беқарорликка хизмат қилади, ривожланишга тўсик бўлади. Тараққиёт, ҳурликка етакловчи ишонч ва эътиқод билан бузғунчи, алдамчи, адаштирувчи, ёлғон «эътиқод»ни фарқлаш жуда муҳим. Ўзбек халқининг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди. Диншунослик фани доирасида ислом дини ва унинг асослари чуқур таҳлил этилади. Хусусан, калом (ақида) илми, унинг мазмун-моҳияти, имон ва унинг шартлари, унга оид тушунчалар, калом илми мактаби вакиллари [Оқилов С., 2019:164], исломдаги оқим ва йўналишларнинг пайдо бўлиши, фикхий мазҳаблар: ҳанафийлик, моликийлик, шофеийлик ва ханбалийликнинг вужудга келиши, бугунги кунда мусулмонлар бирлигига раҳна солувчи қарашлардан мазҳабсизлик мавзуси ёритилади [Тулупов А., 2014:536].

Реал воқелик ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётгани уларнинг турли мафкуравий таъсир ва таъйиқларнинг асосий объектига айланаётганини кўрсатмоқда. Бунда уларнинг жамиятнинг ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташқи таъсирларга тез берилувчан ва айни пайт-

да, энг ҳаракатчан қатлами экани инобатга олинмоқда. Турли диний секталарнинг миссионерлари томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларни ўрганиш, афсуски, бу режаларда белгиланган мақсадларга аста-секин бўлса-да, эришилаётганини кўрсатади. Мамлакатимизда миссионерлик ва прозелитизмнинг олдини олиш, айниқса ёшларни бундай зарарли оқимлар домига тушиб қолишларига йўл қўймаслик юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширишни тақозо қилмоқда. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда ёш авлодни ҳозирги даврда мамлакатимизда дин соҳасида содир бўлаётган ўзгаришлар, яратилган имкониятлар билан мунтазам асосда таништириб бориш муҳим аҳамиятга эга [Очилдиев А., Нажмиддинов Ж., 2017:198].

Шу билан бирга, қизиқишлари, билим даражаларини инобатга олган ва дифференциал ёндашган ҳолда ёшларнинг дин, шу жумладан, халқимиз асрлар давомида эътиқод қилиб келган ислом дини ҳақидаги билимларни ва миллий-диний анъаналар асосларини соғлом асосда эгаллашларига кўмаклашиш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бундай билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши ва ўз моҳиятига кўра, Ватан ва миллат манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак. Ёшларимизнинг миссионерликнинг моҳияти ҳақида ҳолис ва етарли билимга эга бўлишлари унга қарши иммунитетни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади [Rahimjonov D., 2019:18].

Диншунослик соҳасининг яна бир долзарб йўналишларидан бири бўлган “Диний экстремизм ва терроризм: мафкура ва амалиёт, қарши кураш стратегияси” мавзусида диннинг турли халқлар ўртасида мулоқот ўрнатиш, уларни маънавий ва руҳий жиҳатдан яқинлаштириш, зулм ва зўравонликка қарши биргаликда курашга даъват этиш борасидаги аҳамияти ёритиб берилади. Экстремизм ва терроризм каби ҳодисаларнинг илдизлари узок тарихга бориб тақалса-да, улар ҳеч қачон ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт учун бугунгидек таҳдид солмаган.

Мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларимизнинг дунёвий, илмий, ахлоқий салоҳиятини юксалтириш, уларда юрт истиқлолига садоқат, миллий-маънавий, умумбашарий кадриятларга хурмат туйғуларини кучайтириш, жамиятимизда диний ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларининг олдини олиш, ўлкамизда ижтимоий-маънавий ва сиёсий муҳитни янада соғломлаштириш, ҳуқуқий демократик давлат асосларини мустаҳкамлаш мақсадида қатор ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, тегишли чор-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистонда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ўзига хос ҳуқуқий механизми фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, диний таълим тизимини такомиллаштириш, диний мазмундаги материалларни тайёрлаш ва тарқатишни тартибга солиш, шунингдек, дин билан боғлиқ турли низоларнинг олдини олиш орқали юрт тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашда ўзига хос хизмат қилмоқда.

Жаҳонда ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда. “Янги диний ҳаракатлар ва секталар” мавзуси орқали турли диний ҳаракатлар, оқимларнинг фаолияти, илгари сураётган ғоялари атрофлича таҳлил қилинади [Саиджалолов С., 2019:364].

Ислом, ҳиндуийлик, христианлик ёки бошқа динлардан қай бирига мансуб бўлишидан қатъи назар, инсон деярли бир хил ҳис-туйғуларни бошидан кечиради. Ҳозирги давр эса диний секталарнинг кўплиги, янгиларининг пайдо бўлиши билан ҳам характерланади. Мазкур жараён секталар ёки янги диний оқимларга нисбатан жаҳон ҳамжамиятида муайян сиёсатни ҳамда қонунчилик амалиётининг кучайтирилиши каби ҳолатларнинг кузатилишида ўз ифодасини топмоқда. Динлар тарихи халқаро ассоциацияси вице-президенти, Ганновер университети профессори Петер Антес ҳамда Райнер Флаше янги динлар, диншунослик фанларини тизимлаштириш масалалари билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг “Замонавий динлар: тарих ва эътиқод” (“Die Religion der Gegenwart: Geschichte und Glauben”) номли рисолада бугунги кунда кенг тарқалган жаҳон динлари билан бир қаторда янги диний секталар, жамоалар ҳақида маълумот берилган [Антес П., 2001:304]. Олимлар охириги йилларда дунёда вужудга келган янги динлар (хусусан, Кореяда 200 дан, Японияда 250 дан ортиқ), диний жамоа ва секталарга модернизация жараёнлари ва ундан кейинги давр маҳсули сифатида қарайдилар. Жамиятдаги дифференциация ва индивидуализация жараёнлари диний тизимда ҳам, шунингдек, индивидуаллик излаб топиш усуллари, қабул қилиш, муқаддас, илоҳий тушунчаларнинг мазмун моҳиятини англашда ҳам ўз аксини топади. Кўпгина ривожланган давлатларда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга муайян даражада эришилган бўлса-да, уни янада такомиллаштириш жараёни давом этмоқда. Фуқаролик жамияти тушунчаси асосида инсон эркинлиги, унинг барча кўриниш ва муносабатларда намоён бўлиши ғояси ётади. Хусусан, у сиёсий соҳада сиёсий ҳаётда иштирок эта олиш, ҳуқуқий соҳада тенг ҳуқуқлик, ижтимоий соҳада уюшмаларга бирлашиш, диний соҳада – виждон эркинлиги, маданий соҳада –

Жаҳон иқтисодийети ва зиёрат туризми

маданий хилма-хиллик, миллатлараро ва ирқлараро муносабатларда – миллатлар, ирқларнинг тенглиги ва толерант муносабатда бўлиши, мафкуравий соҳада – ғоявий хилма-хиллик, плюрализм, миграция соҳасида – инсоннинг яшаш жойини эркин танлаш, маънавий-маърифий соҳада – инсонийлик, ҳурфикрлик ва фикрларнинг тенг ҳуқуқли рақобати асосида ривожланиши орқали амалга ошади, деб эътироф этилади [Isakdjanov R., 2019: 54].

Плюрализм мавжуд бўлган мультимаданиятли жамиятларда бу жараёнлар тезлашиб, жамиятдаги анъанавий эътиқод объектлари, илоҳий тушунчалар мазмуни қайтадан ўз қадр-қимматга, ўзга бир назардаги кадриятга эга бўла бошлайди. Бундан ташқари бу янги эътиқодий қарашларнинг жамиятдаги парокандаликни келтириб чиқарсада, ўзлари жамиятнинг барча табақалари учун хос бўлган “универсал ҳақиқат” ёки дунё халқларини бирлаштирувчи ягона муқаддас ҳақиқат ҳақида бонг урадилар. Шунинг учун ҳам, дин ва фан, дин ва сиёсат, дин ва таълим, дин ва санъат ва бошқа шу каби йўналишларни бирлаштириш, уйғунлаштириш каби ўзларининг ғоя ва талабларини илгари сурмоқдалар. Янги динлар турли диний қарашларнинг янги тизимига олиб борувчи аккультурация жараёнининг натижаси ўларок, ўз манбаси бўлмиш, яъни келиб чиққан дин ривожига ҳисса қўшишни эмас, балки ўзларининг сунъий келиб чиқишини эътиборга олиб, ўзларини бутун инсониятни бирлаштиришга қодир деб ҳисоблайдилар ва бу орқали ер юзида умумий илоҳий ҳокимиятни куришга эришиш мумкин, деб ҳисоблайдилар [Kakhkharova, M. M., 2019:682].

Мутахассислар маълумотларига кўра, XX асрнинг иккинчи ярмида христианлик, буддавийлик, ислом ва бошқа динлар доирасида юзлаб секталар пайдо бўлган. Бу шундай жараёнлар келажакда давом этиши мумкинлигини тахмин қилиш имкони беради.

Секта энг умумий маънода, муайян диний, сиёсий ёки фалсафий қарашларга эргашувчилар гуруҳини англатса, «диний секта» маълум бир диндаги расмий ақидаларга зид равишда ажралиб чиққан ёки мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳлар тушунилади. Бугунги кунда ҳар иккала йўналишга мансуб бўлган кўплаб секталар фаолият кўрсатмоқда. Мутахассислар уларнинг сонини тахминан 5000 атрофида, деб кўрсатадилар [Диншунослик, 2019:286].

Тарих шуни кўрсатадики, чуқур ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бошидан кечириётган жамиятда ривожланишнинг «ягона тўғри йўли»ни, агар жамиятдаги вазият салбий томонга йўналган бўлса,

«ягона нажот йўли»ни билишга даъво қилувчи турли диний жамоалар ёки секталар вужудга келиши кузатилади. Ўзбекистонда ҳам 1990-йилларнинг бошида муайян даражада харизма ва ташкилотчилик қобилиятларига эга, ўзига ишончи юқори бўлган айрим «янги диндорлар» ўз ғояларини бошқаларга ҳам тарғиб қила бошладилар. Оқибатда республикада бир неча норасмий диний жамоалар шаклланди. Уларнинг аъзолари орасида махсус диний маълумотга эга шахслар деярли учрамайди [Ҳасанбоев Ў., 2014: 206].

Шуни инобатга олган ҳолда, мутахассислар ҳозирги кунда дунёда тахминан 1000 дан ортиқ диний конфессиялар мавжуд, деб ҳисоблайдилар. Ислом динида бундай ҳолат кузатилмайди. Ҳеч қайси мамлакатда ҳанафий мазҳаби алоҳида, бошқа мазҳаблар алоҳида конфессия сифатида рўйхатдан ўтмайди. Масалан, Ўзбекистонда ҳам бир неча шиа жамоалари бўлишига қарамай, улар ўзларини алоҳида диний конфессия ҳисобламайдилар.

Бугунги кунда динга бўлган қизиқишнинг кучайиб бориши глобаллашув жараёнларининг ўзига хос инъикоси дейиш мумкин. Зеро, глобаллашув дунёни бир бутун ва яхлит қила бориши билан бир қаторда, унинг ҳосиласи сифатида алоҳида олинган миллат ва жамиятлар даражасида ўз-ўзини англашга бўлган интилишнинг чуқурлашувига ҳам замин яратмоқда. Бу жараёнлар ўз навбатида инсон маънавиятининг узвий қисми бўлган диннинг моҳиятини тушуниш, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини англашга бўлган эътиборнинг кучайишини келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, динга бўлган қизиқишнинг кучайиши бугунги кунда кишилик жамияти олдида турган муаммолар, инсоннинг уларни ҳал қилиш йўллари ҳақидаги ўй-изланишлари, дунёвий ва диний кадриятлар уйғунлигини таъминлаган ҳолда бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топишга интилиши билан боғлиқ эканини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Ёшларнинг кибермаконда объектив йўл танлай олишлари ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тизимидан фойдаланишда, уларда олинаётган турли ахборотлардан танқидий ва онгли ёндашувни шакллантиришга қаратилган “Кибермаконда дин омили” мавзуси ҳам эътиборга молик. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлоднинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш маданиятини ошириш, уларни “Оммавий маданият” ниқобида ахлоқсизлик, зўравонлик, маънавий тубанлик ғояларидан сақлаш, бузғунчи ғояларнинг Интернет, хусусан, ижтимоий тармоқ сайтлари орқали таъсирига қарши уларнинг қалби ва онгида

мафкуравий иммунитетни кучайтиришга эътибор қаратиш бугунги куннинг долзарб масалалардан саналади.

XXI аср ахборот асри деб эътироф этилаётгани бежиз эмас. Маълумки, кибермакон дунё компьютер тармоқларининг «виртуал» умумий мажмуи. Ушбу атама 1984 йилда Уилям Гибсоннинг «Нейромант» («Neuromancer») романида қўлланилган, ҳозир эса глобал ахборот маконини ифодалаш учун ишлатилади. Телефон суҳбатлари, «чатлар», турли онлайн баҳслар, компьютер алоқаси кибермаконда амалга оширилмоқда. Виртуал воқеликка кириб боришнинг замонавий воситалари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин: интернетга чиқиш имконияти мавжуд мобил телефонлар; онлайн пультали ўйинлар; видео қурилмалар; тармоқдан ташқарида фойдаланиш имконини берувчи дастурий таъминотлар. Бу каби воситалар кибермакондан эркин фойдаланиш имконини яратиш билан бир вақтда, мазкур макондаги хавф-хатарларнинг кўз илғамас даражада юқориликни англатади. Қайд этиш лозимки, кибермаконда диний жараёнлар кўринишлари қуйидаги шаклларда намоён бўлади: мулоқот, маълумот, таълим, тажриба, амалиёт, миссионерлик, маркетинг, шифо ва бошқалар [Abdullayeva M. 2018:2].

Интернет имкониятлари инсонларнинг мулоқотга киришиш ва муайян мақсаддаги фикрлар алмашинувидаги ижтимоий тармоқларга боғлана олиш имконини беради. Дастлаб ташкил этилган жамоалар орасида Викканлар ва неомажусийлар каби ноанъанавий интернет гуруҳлар бўлган. Хайди Кемпбелл томонидан христиан жамоалари ўртасида ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, инсонлар онлайн жамоаларга мулоқотга киришиш мақсадида аъзо бўладилар. Бир қатор олимлар виртуал мулоқотнинг характерида боғлиқ муҳим масалаларни кўтарганлар. Уни шунчаки «ижтимоий ҳаётнинг иллюзияси» ёки «оффлайн» дунёда жамоаларнинг яхшиланишига олиб келувчи восита сифатида эътироф этганлар [Тулупов А., 2016:672].

Этакчи диний ташкилотлар ҳам ҳозирги кунда аъзолар ва аъзо бўлмаганлар орасида компьютерлаштирилган маълумот олишга эҳтиёжнинг ортганини таъкидламоқда. Диний маълумотларни тарқатишда электрон диний маълумот тарқатувчи «блоггерлар» ёки «блоглар» компьютерлаштирилган мулоқотнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Жадал суратларда «подкастлар», веб-сайтдан MP3 плеер, «i-Pod»ларга юкланаётган аудиодастурлар, хусусан, маърузалар оммалашмоқда. Авваллари танқис, кенг тарқалмаган муқаддас матнлар ва ундан кейинги ўринларда турувчи маълумотлар

эндиликда омма эътиборидагина эмас, балки исталган киши учун веб сайтлардан юклаб, таълим олиш имконияти мавжуд. Компьютер медиа воситаларида касалликларга даво ва муаммоларга ечим топиш кенг ривожланмоқда. Гуру, евангелистлар, маслаҳатчи экстрасенсларга дуоли сўров юбориш ёки диний ва амалий муаммоларга жавоб топиш мумкин. Бунга кўпчиликни мурожаатнинг анонимлиги ва кучли диний ғарбнинг иштироки жалб этади [Abdullaeva M. Z., 2019:43].

Юқорида кўриб ўтилган жараёнлар интернет бугунги кундалик турмушимизга қай даражада чуқур сингиб борганини намоён қилмоқда. Ахборотлар оқимидан фойдаланиш бўйича ёшларда соғлом иммунитетни ҳосил қилиш, ижобий томонларини ўргатиш билан бирга, салбий оқибатларидан хабардор этиш муҳим. Кўплаб сайт ва тармоқлар катта маблағлар эвазига филтрлаб қўйилганини дунёнинг аксарият давлатларида кузатиш мумкин. Албатта, таъқиқлар ёки филтр воситалари орқали одамларни интернет оламидаги турли кучларнинг хатарли таҳдидларидан ҳимоя қилиш жуда қийин. Шундай экан, дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, зиддиятли тўқнашувларга теран қараш ҳиссини ошириш, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, айниқса бу борада келажагимиз ҳисобланган ёш авлодни, бир сўз билан айтганда ҳар биримиз учун муқаддас бўлган оиламизни дин ниқоби остидаги ёт ғоялар таъсиридан асраш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этиш, бунда «фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш» ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Муҳокама қилинган масалалар, шубҳасиз, мураккаб ва серқирра мазмунга эга. Диншуносликни замонавий қарашлар ва муаммоларга жавобан янгича ёндашув асосида ўқитиш давр талабидир. Ушбу ёндашув талабаларда диний бағрикенглик маданиятини, динга нисбатан тўғри қарашни шакллантириш ва жамият учун юксак маънавиятли кадрларни тайёрлашга ёрдам беради.

Дунёнинг турли давлатларида миллатлараро, этник ва диний асосдаги қарама-қаршиликлар, ички ва минтақавий можароларнинг авж олаётгани кузатилаётган даврда, уларни бартараф этиш учун маънавий юксаклик ва диний бағрикенглик қадимдан қарор топган Ўзбекистоннинг ибратли тажрибасини муваффақият билан қўллаш мумкин. Бу турли динга мансуб халқларнинг кўп миллатли давлат шароитида тинчлик ва тотувликда яшай олиши тажрибасидир.

Ҳозирги шароитда глобаллашув жараёни мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир куралига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётгани аён бўлмоқда. Ана шу жиҳатдан олганда, халқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида ҳолис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифасига айланди. Бугунги кунда ҳар бир инсон ҳаётга очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қараши, жаҳонда ва ён-атрофида кундан кунга кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшаши лозим. Зеро, ҳар бир инсон, айниқса, ёш авлод онгида бу мураккаб ва таҳликали ҳаёт ва унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлишига йўл қўймаслик даркор.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 76 б.
2. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова // <http://www.lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил, 22 декабрь // www.uza.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь.
5. Abdullayeva, Moxira (2018) “APPROACHES FOR STUDYING RELIGIOUS PROCESS IN CYBERSPACE,” The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 13. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2018/iss1/13>
6. Abdullaeva, M. Z. (2019). Media space of domain uz (on the example “islom.uz”). ISJ Theoretical & Applied Science, 10 (78).
7. Alimova, Mahfuza and Nigmatullayev, Ibrohim (2019) “CLARIFICATION OF TOLERANCE IN ISLAMIC SOURCES,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 13. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2019/iss1/13>
8. Диншунослик. Ўқув қўлланма / Муратов Д., Алимова М., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж., Жўраев Ш. –Тошкент, 2019. – 286 б.
9. Ernazarov, Odiljon (2018) “The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty,” The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2018/iss1/11>
10. ISAKDJANOV, Ramzjon (2019) “RATIONAL PRINCIPLES IN IBN-SINA’S THEOLOGICAL EDUCATION AND THEIR CHARACTERISTIC FEATURES,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 8. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2019/iss3/8>
11. Kakhkharova, M. M. (2019). СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОЙ ОБЩЕСТВЕННОЙ СРЕДЫ. Theoretical & Applied Science, (10), 682-687.
12. Muhamedov, N. (2016). Keffal Şaşı'nin Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi, 2(2), 119-126.
13. NIZAMETDINOV, Najmiddin (2019) “THE SHORT HISTORY OF TURKIC LITERATURE OF INDIA DURIND THE RULING OF BABURIDS (XVI – XVIII CENTURIES),” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2019/iss3/15>
14. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга – юз жавоб). –Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017. – 200 б.
15. Петер Антес. Религии современности. История и вера / Пер. с немец. С.Червоная. – М.: Прогресс-Традиция, 2001. – 304 с.
16. Rahimjonov, Durbek (2019) “The importance of social rehabilitation of people who have fallen under the influence of extremist ideas in the process of globalization,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2019/iss1/12>
17. Саиджалолов С. Динлардаги оқимлар ва секталар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Complex Print, 2019. – 364 б.
18. Тулепов А. Ислому ақидапараст оқимлар. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
19. Тулепов А. Интернетдаги таҳдидлардан химоя: Ёрданчи ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир А.Ҳасанов. –Тошкент: “Movarounnahr”, 2016. – 672 б.
20. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 552 б.
21. Оқилов С. Калом (Ақоид). Ўқув қўлланма. – Тошкент: Hilol nashr, 2019. – 200 б.

